

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 25 декабрь. Чоршанба №105 (967) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН —
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ТАКОМИЛ ЯНГИ ТАРТИБ ВА ТАЛАБЛАРДА АКС ЭТАДИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва пировардида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини рўйбга чиқаришда фуқаролар йиғинларига бўлиб ўтган сайловлар муҳим аҳамият касб этади.

Бир вақтнинг ўзида 9756 нафар маҳалла раиси ҳамда уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиларини сайлаш дунёда ноёб тажриба ҳисобланади.

Бу гали сайловларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, улар янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ юқори савияда ташкил этилди ва ўтказилмоқда.

Қонунда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сай-

ловининг асосий принциплари мазмунан бойитилган ҳолда унга янги — «муқобиллик» тамойили қўшилди. Бу қоида орқали ҳар бир раис ва унинг маслаҳатчиси лавозимга энг камидан иккита номзод кўрсатилиши шартлиги белгиланди. Ушбу янги принципнинг жорий этилиши ҳар бир ўринга икки, уч ёки тўрт номзод орасидан энг муносибини танлаш имкониятини яратди.

> [2]

АКС-САДО

ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА ИМКОНИАТ КЎП, ВАКОЛАТ КЕНГ

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлгани каби Сурхон заминидан ҳам истиқлол йилларида кенг қўлмали ислохотлар амалга оширилди. Қадимий маданият ўчоғи, инсоният тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган, бағрикенг, меҳмондўст инсонлар яшайдиган бу ҳудудда рўй бераётган ижобий ўзгаришларда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаол иштирок этаётир.

Яқинда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгагининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларини яна бир бор чуқур таҳлил қилди.

Дарҳақиқат, ҳақимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, аҳолининг реал даромадларини кўпайтиришга қаратилган изчил ишлар вилоятимизда ҳам ўзининг амалий ифодасини тошмоқда. Янги ҳаётликлар кайфиятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, аҳолининг турмуш шароити йилдан-йилга яхшиланиб бораётир.

Собиқ шўро даврида фақат ҳарбийларнинг ёпиқ қалъасига айланган Термиз шаҳрининг қиёфаси сўнгги йигирма йил ичида та-

ниб бўлмас даражада ўзгарди. Ҳақим ат-Термизий бобомиз мангу кўним топган макон оқиб қадамжого айланди. Ун минг томошабинга мўлжаллаб бунёд этилган стадион, замонавий «Бахт ўйи» мажмуаси, Меҳрибонлик ўйи, Термиз давлат университетининг муҳташам биноси, янги-янги мактаб, лицей ва коллежлар, тиббиёт ва маданият масканлари, миллийлигимизни ўзида мужассам этган маҳалла гузарларининг қурилиши кўҳна ва бетақорор заминимизни янада гўзал ва оқибатли. «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли ҳақида сўз кетганда, бу улкан бунёдкорликдан нафақат воҳа аҳли, балки бутун халқимиз гурурланади.

> [2]

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Олий Мажлис Сенатининг жорий йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг ижросига бағишланган идораларо йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари ва Сенати аъзолари, Президент Девони, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, жино-

ат ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар судлари, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва-

зириклари, Солиқ, Божхона қўмиталари, прокуратура ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул ходимлари ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари иштирок этди.

Мазкур йиғилишнинг асосий мақсади амнистия актининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, бу борадаги ишларни ташкиллаштириш ҳамда амнистия қарорининг ижросини таъминлашда ходим-

ларнинг масъулияти ва малакасини ошириш, шунингдек, уни қўланилишида йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларнинг олдини олишдан иборат.

Мажлисида амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўланилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда уни қўлаш тартиб-таомилларининг ошқоралигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда амнистия акти ижросини аниқ ва бир хилда амалга ошириш борасида судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мутасадди идоралар уртасида ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорни тўла ва сифатли бажарилиши учун ҳамда унинг ижросига масъул идоралар ходимларининг би-

лим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув-семинарларни ташкиллаштириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Йиғилиш натижасига кўра, мутасадди идоралар томонидан амнистия акти ижросини таъминлаш борасидаги ишларни ўз вақтида, самарали ва ушқоқлик билан олиб бориш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мухбиримиз.

> [3]

«ЙИЛ АЁЛИ — 2013»



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ТАШАББУСКОР, ИЗЛАНУВЧАН ВА ФИДОЙИ АЁЛЛАР

Пойтахтимизда «Йил аёли — 2013» анъанавий миллий танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда иқтидорли ва фаол хотин-қизларни рағбатлантириш, уларнинг эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш, меҳнатларини муносиб баҳолаш мақсадида тури танловлар ўтказиб келинмоқда. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган «Йил аёли» танлови ҳам опа-сингилларимизнинг жамият,

оила, фарзанд тарбиясидаги масъулиятини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларга қўшаётган ҳиссасини қадрлаш ва фаолигини янада оширишни кўзда тутди.

2007 йилдан буён уч босқичда — туман-шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда Республика миқёсида ташкил этилаётган танлов-

нинг дастлабки босқичларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик соҳаларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан бирга, соғлом ва баркамол фарзандлар тарбиясига ўз ҳиссаларини қўшаётган уй бекаларидан иборат 120 минг нафардан ортиқ хотин-қиз иштирок этди. Жорий йилдаги танловнинг барча босқичларида 30 минг нафардан зиёд аёл қатнашди.

> [4]

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

БОЛАГА ҒАМХЎРЛИК — КЕЛАЖАККА ҒАМХЎРЛИК



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2014 йилни «Соғлом бола йили» деб номлаш таклифини билдиргани ва бу таклиф халқимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватлангани баркамол авлодни вояга етказиш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини яна бир бор тасдиқлади.

> [2]



ЮРТИНГ ОБОД

ДИЛИНГ ОБОД

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

«Маҳалла ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақл бугун юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг онгу шурига сингиб кетди. Зеро, бу мўътабар гўша йиллар довомида халқимиз ҳаётининг ажралмас бўлагига, қадр-қиммат, меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик ҳамда чинкам қадриятлар масканига айланиб улгурди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида вилоятда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, тўғрақлар фаолиятини кучайтириш, тури спорт мусобақалари уюштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Албатта, ҳар жиҳатдан тўқис, фаровон оилада соғлом фарзандлар вояга етади. Шундай экан, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, улорга моддий ва маънавий кўмак беришда муайян натижаларга эришилди.

Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 50 та эҳтиёжманд оила фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказишга кўмаклаштирди. 30 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга бир бошдан қорамол олиб берилди. Мазкур тадбирларга 52,2 миллион сўм маблағ сарфланди. Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйларидаги 150 нафарга яқин фуқаро ва тарбияланувчиларга ҳамда ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга 48 миллион сўмлик кийим-бош ҳада этилди.

Ёлғиз кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш мақсадида куз-қиш мавсуми арафасида уларнинг уйлари фонд бўлиналари ва хомийлар маблағлари ҳисобидан таъмирлаб берилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни реабилитация воситалари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 18 та ногиронлик ораваси, 6 та кўлтқабак, 22 та эшитиш дастаси, 1 та ҳасса, 10 та протез-ортопедия маҳсулоти совға қилинди.

Инсонпарварлик, саховатпешалик каби фазилатларни намоён этадиган бундай савобли ишлар юртимизда ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани ҳамда бу борада фуқаролар йиғинларининг аҳамияти нақадар юксаклигининг тасдиғини. Бундай хайрли ишлар Соғлом бола йилида ҳам изчил давом эттирилади.

Музаффар ТУРОПОВ,

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими бошқаруви раиси.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Тенглик, масъулият ва жавобгарлик бирдек таъминланади

Маҳалла институти асрлар оша муайян шаклда фаолият юритган бўлса-да, лекин истиқлол йилларида моҳияти жиҳатидан тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллаштирилди. Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ислохотларда фаол иштирок этиб, эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳалланинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги белгиланган.

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, маҳалла жамоатчилик назоратини олиб боришда шундай салоҳият ва имкониятга эгаки, ундан самарали фойдаланиш кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим талабидир.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга кўра, маҳаллалар ўзларидаги берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда, жамоатчилик назоратини қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, ўз қарорлари ижроси орқали амалга оширишлари мумкин.

> [3]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ТАКОМИЛ ЯНГИ ТАРТИБ ВА ТАЛАБЛАРДА АКС ЭТАДИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган сайловларда 401 та фуқаролар йиғинига 1 минг 208 нафар номзод тасвир этилди. Муқобилик, тенглик ва демократия тамойиллари асосида ўтказилган сайловларда 401 нафар фуқаролар йиғини раиси ҳамда уларнинг 3 минг 605 нафар маслаҳатчиси сайланди. Жараёнларда бир уринга 3 та номзод тўғри келди. 19152 нафар вакил номзодлар орасидан энг муносибларига овоз берди. Сайланганлардан 249 нафари (62 фоизи) га илк бор йиғин етакчилиги ишониб топширилди.

Сайловларда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилган ўз самарасини бермоқда. Ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнда сайловчилар аҳолининг энг оғуруқларига эришишда жонбозлик кўрсатиб, масъулиятни ўз зиммасига оладиган, катта ҳаётий тажриба ва билимга эга, маҳаллада кечатган ислохотлар моҳиятини теран тушунадиган номзодларга овоз бердилар. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида маҳалалар иштороқини таъминлаш ушбу лавозимларга энг муносиб фуқароларнинг сайланишини тақозо этди.

Сайловларда аҳоли фаол қатнашди. Бу фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ривожланиётгани билан бирга, маҳалла идоралари нуфузи ортаётганидан далолатдир. Қолаверса, аҳолига сайловга доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни атрофлича тушунтирилиши натижасида маҳалла етакчилигига энг муносибларини саралаб олиш имконини берди.

Янги таҳрирдаги қонунга кура, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйилган талаблар ҳам мазмунан янгиланди ва такомиллаштирилди. Хусусан, номзодларга бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётганлиги талаби қўйилди. Бу номзод маҳалланинг ютуқ ва камчиликларидан хабардорлиги, унда истиқомат қилаётган аҳолининг қувончу ташвишларидан бохабарлигини таъминлашда муҳим мезондир.

Шунингдек, номзодларга давлат органларида ёки нодавлат ношароитда ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа ҳужалик фаолиятга соҳада иш тажрибасига эга бўлиши лозимлиги талаби ҳам қўйилди. Чунки бирор-бир соҳада ишламаган ёки жамиятга нафи тегмаган инсон маҳаллага етакчилик қилиши мумкин эмас.

Навий вилоятидаги мавжуд 340 та фуқаролар йиғи-

нига шунча нафар раисни сайлашда вакилар тегишли ҳудудда доимий яшаётган, тажрибали ва ташаббускор номзодларга овоз бердилар. Мазкур жараёнларда 3231 нафар маслаҳатчи ишонч билдирилди ҳам ушбу мезонларга амал қилинди.

Сайловларда жонкуяр, фидойи фуқароларни номзод сифатида кўрсатиш ҳамда улар орасидан энг муносибларини сайлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жараёнларнинг 278 таси (81,8 фоизи) очик, 62 таси (18,2 фоизи) яширин овоз бериш тартибда ўтказилди. Сайланган раисларнинг 201 нафари (59,1 фоизи) олий, 130 нафари (38 фоизи) урта махсус, 9 нафари (2 фоизи) урта маълумотли фуқаролардир.

Сайловларни демократик мезонлар асосида ўтишини таъминлашга хизмат қиладиган яна бир муҳим янгилик бу ҳар бир фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзод учун ўз сайловдаги дастури билан чиқишининг жорий этилишидир.

Бу қонуннинг қонунчилиги киритилиши ва амалда қўлланилиши номзодларнинг сайловчилар оқидида келгусидаги фаолият дастурлари буйича чиқишларига шароит яратиб, зиммаларига юкланган вазифаларни бажариш, ўз салоҳиятини намоён этиш имконини берди ҳамда бу жа-

раён сайловчиларга танаош ва сайлашда муайян қўлайликларни юзага келтирди.

Сайловларда қонунда белгиланган ҳуқуқий меъёрларга алоҳида эътибор қаратилди. Йиғин раислигига сайланганларнинг келгуси фаолият дастурларидан жойларда тотувлик ва меҳр-оқибатни мустақамлаш, ёшларни она-Ватанга, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш каби устувор масалалар жой олди. Уларнинг ҳаётта татбиқ этилиши фуқаролар йиғинларининг янада обод бўлиб, фойдга тулишини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонуннинг 32-моддасига мувофиқ, сайлов натижалари асосида бир ой мўддат ичида тегишли фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари)нинг йиғилиши)ни ўтказиш ва унда фуқаролар йиғини кенгашини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари буйича комиссиялар ҳамда тафтиш комиссиясини шакллантириш белгиланган.

Айни пайтда сайлов ўтказилган фуқаролар йиғинлари

олдида мазкур қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 274-сонли қарори билан тасдиқланган Намунавий низомлар асосида фуқаролар йиғинларининг асосий фаолият йўналишлари буйича комиссиялари, тафтиш комиссияси низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, Ақлий вазирлигида рўйхатдан ўтказилган намунавий низом асосида фуқаролар йиғинлари ҳузурдаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш буйича «Маслаҳат марказлари» низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш каби долзарб вазифалар турибди.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари)нинг йиғилиши) кун тартибидидаги барча масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилингандан сўнг йиғилишда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддаси талаблари асосида йиғин кенгашининг биринчи ташкилий йиғилишини ўтказиш мақсадаги мувофиқдир. Унда йиғин кенгаши девонининг таркибининг тасдиқлаш, фуқаролар йиғинларида ҳарбий ҳисобни юритиш буйича ҳодимни белгилаб олиш, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тизимаси раҳбарини тайинлаш ва тизимга аъзоларни қабул қилиш, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчисини аниқлаштириб олиш тасвир этилади.

Хуллас, тизимга оид янги таҳрирдаги қонунларда белгиланган меъёрлар сайловчиларга фуқаролар йиғинлари етакчилигига энг муносиб номзодларни танлаш имконини бериши билан бирга, жараён туғатилган кейин биринчи галда зарур бўлган вазифаларни амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Учқун МАҲМУДОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви Ташкилий-қадрлар бўлими бошлиги.

2014 йил — соғлом бола йили

БОЛАГА ҒАМХЎРЛИК — КЕЛАЖАККА ҒАМХЎРЛИК

< [1]

Дарҳақиқат, халқимизнинг тарихан таркиб топган миллий удуи ва анъаналари, қадриятларини изчилади тарғиб қилиш, маданий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада ошириш — давр талаби. Бу йўналишларда Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарларида, қатор маърузаларида белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни аҳолига етакчиликда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам беришни кучайтириш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидандир.

Фуқаролар йиғинларида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш, ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби долзарб мавзуларда тизимли равишда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан «Соғлом бола — соғлом келажак» ширин остида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган саломатлик ҳафталикларига аҳолини кенг жалб этишда фуқаролар йиғинлари кўмагига таянилади. Эҳтиёжман оилаларнинг минг нафардан зиёд фарзандлари тиббий кўриқдан ўтказилишида ҳам соҳа вакиллари хизмати беқиёс.

Давлатимиз томонидан оналар ва болалар саломатлигини муҳофазага қаратилаётган доимий эътибор, фарзандларимизнинг турли юқумли касалликларга қарши тулик эмланганлиги тўғрисида йиғин йилларида ҳудудимизда ёшларнинг соғлиги сезиларли даражада яхшиланди. Бундан ўн йил аввал вилоятимизда мутлақо соғлом болалар 50 фоиздан зиёдликни ташкил этган бўлса, бутунни кунда ушбу кўрсаткич 65 фоиздан ортиб кетди. Бу давлатимиз томонидан болалар саломатлигини яхшилашга қаратилган тадбирларнинг изчил ва самарали амалга оширилаётганидан далолат.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашда фонднинг бўлим ва бўлимчалари томонидан салмоқли ишлар бажарилаётган. Хусусан, кам таъминланган оилаларнинг 37 нафар фарзанди ёзи оромгоҳларда бепул даволанди. Шунингдек, олий ўқув йортида таълим олаётган беш нафар талабанинг шартнома пуллари тўлаб берилди.

Болалар спортини ривожлантиришда маҳалланинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётгани баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳалла жамоалари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Футболчи келажак» турнири катта футбол байрамига айланган кетди. Мусобақаларнинг саралаш босқичларида вилоятнинг деярли барча фуқаролар йиғинларидан ёшлар жамоалари фаол иштирок этди. Турнирнинг вилоят босқичида 38 та жамоа таркибидида 600 нафардан зиёд бола қатнашгани унинг кўлами кенгайганидан далолатдир. Маҳаллаларда фарзандларимизнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида: «Қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашга ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш каби вазифаларни ҳал қилишда биз кўпни кўрган, тажрибали маҳалла фаолларига таянамиз», дея таъкидлади.

Ушбу юксак эътироф ҳар бир маҳалла фаолига ғайрат-шижоат бағишлайди. 2013 йилда вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 9-синфларини битирган 11 минг 447 нафар қиз таъминнинг кейинги босқичига жалб этилишига кўмаклашиш мақсадида вилоятдаги барча фуқаролар йиғинларининг Хотин-қизлар билан ишлаш буйича комиссиялари қўшида фаол аёллардан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этилди.

Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчилари етакчилигидаги ушбу гуруҳлар таркибига тажрибали хотин-қизлардан иборат жами 4 минг 560 нафар аёл жалб этилди. Гуруҳ аъзолари ўзларига бириктирилган 2-3 нафар битирувчининг ўқишга жойлаштиришга амалий ёрдам кўрсатгани боис битирувчилар таъминнинг кейинги босқичига тулик қамраб олинди.

Хуллас, Соғлом бола йили фуқаролар йиғинлари зиммасига гоят масъулият ва залворли вазифаларни юклайди. Уларни муваффақиятли ундаш учун барча асос ва имкониятлар етарли. Сайловларда халқнинг ишончига сазовор бўлган йиғин раислари ва уларнинг маслаҳатчилари ўз ваколатлари доирасида келгусида юрт равнақига муносиб ҳисса қўшадилар.

Абдураҳим САТТОРОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жижзах вилояти бўлими бошқаруви раиси.

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Камчиқим ва сердаромад

Ўзбек айвонларини безаган турковокларидидаги бедананинг ёқимли сайраши кўнгилларни хушнуд этса, тухуми ва парҳезбон гўшти саломатлик учун кони фойдадир.

Шу боис кейинги йилларда паррандачиликда янги тармоқ — беданачилик ҳам ривожланмоқда.

Шаҳрисабз туманидаги «Оқсарой» масъулияти чекланган жамиятида 110 мингта товуқ, 5 мингдан зиёд хонақилиштирилган бедана парвариланмоқда.

— Беш йиллик тажрибамизга таянган ҳолда бедана боқишнинг ўзига хос жиҳатларини яхши биламиз, — дейди қорхона ишчиси Зухра Холмова. — Жумладан, бу қўшлар шовқинни ёқтирмайди. Улар табиат кўйида, ўт-ўланлар орасида кун кечиргани боис катта деворларини овоз ўтказмайдиган қилиб қуриш ва хас-хашаклар билан ўраш лозим. Табиий муҳитни шакллантириш уларнинг сермахсулликни оширади.

Дарҳақиқат, бедана боқишнинг афзалликлари бисёр. У совуққа ҳам, касалликка ҳам анча бардошли, қолаверса, парвариланида озуқа камроқ сарфланади.

Айни пайтда бу ерда боқилаётган беданалардан кунга бир ярим минг донагача тухум олинмоқда. Қорхона раҳбари Нурали Баратовнинг таъкидлашича, инкубаторда очирилган жўжаларга маҳаллий аҳоли орасида ҳам талаб катта.

Шаҳина РАШИДОВА.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ

САВОБ ИШНИНГ САЛМОҒИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Юртбошимиз «Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурашимиз» номли асариди: «Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва беқиёс макон — бу маҳалладир» деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимининг тобора такомиллашиб бораётгани аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш билан бирга, юртимизда демократик жамият барпо этишининг устувор вазифаларини ҳам ўзида мужассам этади. Айниқса, мамлакатимизда яшаш тарзи бир шакс ўзи ҳамда бошқа фуқаролар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу хусусида Бош Қомусимизнинг 35-мод-

дасида мустақамлаб қўйилган.

Фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўрганишга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлим ва бўлимчалари томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Фонднинг Чилонзор тумани бўлим-масида мазкур масалада амалга оширилаётган ишлар аҳамиятга молик.

Жорий йилнинг уттан даври мобайнида бўлимга 286 та ариза келиб тушган. Улар, асосан, моддий кўмак, ўқув-шартнома пуллари, ўтказишда ёрдам ҳамда нафақа тўлови борасидаги муаммолар ечи-

мига кўмаклашиш мазмунидаги мурожаатлардир.

— Фуқаролар мурожаатлари бугуннинг долзарб, эътибор қаратилиши зарур ижтимоий-ҳуқуқий масалалардан бири ҳисобланади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чилонзор тумани бўлимчиси масъул котиби Лола Бойназарова. — Ақсариёт аризаларнинг мазмуни моддий кўмак сурашдан иборат. Ҳозиргача уларга жавобан 103 нафар фуқарога бўлимчидан томонидан 55 миллион 394 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Пенсияерларнинг нафақа пуллари кечикиб олишлари билан боғлиқ масала ҳам тулик ҳал этилди. Муаммолар жойида ўрганиб, ечим топаётгани сабаб аризалар сони йилдан-йилга камаймоқда.

Фуқаролар мурожаатларига эътибор бу борадаги ишларнинг тизимли йўлга қўйилганидан далолатдир. Бўлимнинг ҳудудда яшайдиган чин етимлар тўйларини ўтказишдаги ташаббускорлиги боис савобли амаллар кўлами янада кенгаймоқда. Бундан ташқари, қўллаб кам таъминланган оила фарзандларининг ўқув-шартнома пуллари Фонд томонидан тўлаб берилаётди.

— Оилавий шароит сабаб ўқув-шартнома пулини тўлашга қийналаётганим, — дейди «Бешёғоч» маҳалласида истиқомат қилувчи, Тошкент автомобил йўллар институтини талабаси Бобомурод Носиров. — Шу боис «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Чилонзор тумани бўлимчисига мурожаат қилдим. Фонд мутасаддилари менга амалий ёрдам беришди.

Дарвоқе, фуқаролар мурожаатларининг ўз вақтида ҳал этилаётгани аҳолининг тизимга бўлган ишончини янада мустақамламоқда.

Диддора ҚАРШИБОВЕВА «Mahalla»

АРС-САДО

ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА ИМКОНИЯТ КЎП, ВАКОЛАТ КЕНГ

< [1]

Маҳалламиз ақли ҳам улкан бунёдкорлик ишларидан четда қолаётгани йўқ. Равон йўллар, замонавий бинолар қишлоқларимиз чиройига кўрк қўшмоқда. Ҳудудимиздаги Музробо дехқон бозорининг капитал реконструкция қилинган аҳолига қўллаб қўлайликлар яратди. Маҳалламизда ҳафтанинг ҳар шанбаси ҳашар кунни, деб эълон қилинган. Шу кунни ариқлар тозаланади, дарактлар оқланади, чиқиндилар йиғилади, ҳудуд ободонлаштирилади.

Навбатдан ташқари сессияда Президентимиз бугунги куннинг долзарб вазифалари хусусида қўлачлик билан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Хусусан, ёш авлод тарбияси ҳақида гапирар экан, бола тарбиясида майда ишнинг ўзи йўқлигини, бу борадаги ишларда барча бирдек масъул эканини алоҳида таъкидлади. Айниқса, «Таълим фақат таълим учун эмас, аввало, тарбия учун, инсонни етуқ ва баркамол қилиб вояга етказиш учун хизмат қилиши керак. Шу боисдан ҳам мазкур тушунчалар биргаликда ишлатилмас, амалий ишларимизда ўз ифодасини топмас, уларнинг натижаси кўнгилдагидек бўлмайди», деган сўзлари ёшлар тарбияси йўлидаги ишларимизни янада кучайтиришимизга ундади, маҳалла фаоллари зиммасига катта масъулият юклатди. Йиғин фаола-

ри билан оқимизда турган вазифаларни қатъий белгилаб олдик. Оилалардаги маънавий муҳитини барқарорлаштириш, фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндашиш, аёлларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ана шулар жумламасидан. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, оила бахтли бўлмасдан туриб, эл-юрт бахтли бўлиши мумкин эмас.

Айни пайтда маҳалламиздаги мавжуд 696 та оилада 3528 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 1100 нафардан ортигини ёшлар ташкил этади. Ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан. Жорий йилда 20 нафар ёш ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, йиғинимиз фаоллари сатъ-ҳаракати билан ташкил этилган новвойихона, маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари, қандолатчилик, тикувчилик цехида ўндан ортиқ ўтил-қиз доимий иш билан таъминланди.

Хуллас, аҳоли манфаатларини таъминлаш, оқимиздаги вазифаларни тўла-тўқис бажаришга ваколатимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етарли. Фақат масъулиятни ҳис қилган ҳолда улардан унумли фойдаланса — марра бизники.

Абдуҳалиқ ЭСОНОВ, Музробо туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

ТЕНГЛИК, МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК БИРДЕК ТАЪМИНЛАНАДИ



Н.ХАЙДАРОВ олган суратлар.

Мазкур йўналишда жамоатчилик назорати йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш, улар чиқарган тегишли қарорларнинг бажарилмагани ёки лозим даражада бажарилмагани учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тегишли идораларга тақдирномалар киритиш орқали ҳам амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори алоҳида тарзда тасдиқланган фуқаролар йигинининг

Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия тўғрисидаги Намунавий низоми бу борада янги босқични бошлаб берди.

Унга мувофиқ, фуқаролар йигинлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши қонун ҳужжатларининг устуворлигини таъминлаб, амалиётга тулиқ татбиқ этилишида, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда, улар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, муҳими, фаровон турмуш тарзини кучайтириш тизимини янада такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутди.

Жамоатчилик назорати жамяят ҳаётида ижтимоий

адолат барқарорлиги учун шахс, жамяят ва давлат муносабатларида тенглик, масъулият ҳамда жавобгарликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муҳим мезонлар Намунавий низомида ҳам ўз аксини топган.

Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг юксак самараларини бермоқда. Биргина коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини олайлик. Айни пайтда пойтахтимиздаги мавжуд кўп қаватли уйларга 2,3 мингдан зиёд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва бир юз саксондан ортқ бoshқарув компанияси хизмат кўрсатмоқда. Улар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳам мазкур комиссия аъзолари томонидан амалга оширилади.

Маълумки, барчамиз кундалик ҳаётда истеъмолчимиз. Бироқ доим ҳам ўзимизга кўрсатилаётган хизматлардан кўнглимиз тулавермайди. Хуш, бундай ҳолатларда қандай йўл тутмоқ керак?

Бу борада ҳам энг мақбул йўл — фуқаролар йигинининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси аъзоларига мурожаат қилиш. Ушбу комиссия ўз фаолиятида мустақил бўлиб, фақат фуқаролар йигини олдида ҳисобдордир. Низомда комиссия фаолияти натижалари бўйича фуқаролар йигинига йилнинг ҳар чорагида ҳисобот бериши белгиланган.

Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссиясининг мақсади фуқаролар йигини ҳудудда қонун ҳужжатларининг, йигин ва унинг Кенгаши қарорларининг ижро этилиши, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилишини таъминлашдан иборатдир.

Фуқаролар йигини ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари бўйича комиссия ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари бўйича фуқаролар йигини кенгашига тақдирлар киритиш ваколатига эга.

Комиссия ўз фаолиятида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари поймол қилиниши ҳолатларининг олдини олиш ҳамда уларни баргараф этиш бўйича тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда жамоатчилик назоратини олиб боради.

Уз ваколатларини амалга оширишда фуқаролар йигинининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар билан ҳамкорлик қиладиган Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия фуқаролар йигини томонидан раис ва унинг маслаҳатчилари сайловидан сунг бир ой мuddат ичида 8-10 нафар аъзодан иборат таркибда икки ярим йил мuddатга тузилади. Комиссия аъзолари сони фуқаролар йигинидаги аҳоли сони ҳамда иш ҳажмига қараб белгиланади.

Йигин раисининг маслаҳатчиси комиссияга раҳбарлик қилади. Комиссия таркибига, қанда тариханда, ҳудуддаги нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, шунингдек, ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга ҳамда ўзининг тарбиявий таъсирини ўтказа оладиган фаол фуқаролар, шу жумладан, ташаббускор ёшлар киритилиши мумкин.

Хуллас, Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси фаолиятини тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилаётган Низом фуқаролар йигинлари ишини янада жонлантиришда, аҳоли манфаатларини ҳимоялашда муҳим меъерий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Умиди МАНСУРОВА, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамяятлари федерацияси бўлим бошлиғи.



Кўшимча кучлар юборилади

Бирлашган Миллатлар Ташкilotи Жанубий Судандаги тинчликпарвар кучлари сонини ошириш ниятида.



Ҳозирги пайтда мазкур мамлакатда БМТнинг етти минг нафарга яқин ана шундай аскарлари бор.

Бундан ташқари, нуфузли халқаро ташкилотта дахлдор яна 700 полициячи ва икки минг нафарга яқин ходим фаолият кўрсатмоқда. Яқин кунларда бу мамлакатта кўшимча 5,5 минг нафар тинчликпарвар кучлар ҳамда 423 нафар полициячи юборилади. Бош котиб Пан Ги Мун олтинчи вертолёт ва С-130 транспорт самолётдан иборат ҳарбий техникани ҳам жалб қилиш тақдирини билдирапти.

Эслатиб ўтамиз, Жанубий Суданда 16 декабрда бошланган фуқаролик уруши туфайли 500 нафардан зиёд киши ҳаётдан куз юмди, 45 минг киши ўз уйини ташлаб, қочоқлар лагерларига жойлашишга мажбур бўлди.

Полиция биноси портлатилди

Миср пойтахти Қоҳирадан 120 километр узокликдаги Ал-Мансур шаҳрида жойлашган полиция идораси бомба тўддирилган автомобил ёрдамида портлатиб юборилди.



Оқибатда ўндан зиёд киши нобуд бўлган, 200 нафарга яқин одам жароҳатланган. Уларнинг аксарияти

ти ҳуқуқ посбонларидир. Жароҳатланганлар орасида шаҳар полиция бошқармаси бошлиғи генерал ал-Михий ҳам бор.

Теракт содир этилган вақтда генерал ҳамкасблари билан мамлакатнинг янги конституцияси юзасидан 14-15 январда ўтадиган референдумга тайёргарлик қилиш бўйича йиғилиш ўтказётган эди. Бундан хабар топган теракт ижрочилари 500 килограмм портловчи бомба тўддирилган машинани бионинг айнан мажлис ўтаётган қисмига келтириб урган.

Шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Интернет маълумотлари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

МИЖОЗЛАР ВА ҲАМКОРЛАР ИШОНЧИ — ЭНГ МУҲИМ МЕЗОН



Xalq farovonligi — faoliyatimiz mezoni

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки мамлакатимиз молия бозорига етакчи ўринларни эгаллаб, фаолиятга муттасил янгиликлар жорий этиб келаётган, мижозлар ишончини қозонаётган банклардан.

Президентимизнинг 2013 йил 14 февралдаги «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида банк томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди. Натижада жорий йилнинг 11 ойи давомида ушбу субъектларга 541 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни кенгайтириш учун 10,9 млрд. сўм миқдоридан ажратилган кредит эвазига 1630 дан зиёд иш ўринлари ташкил қилинди. Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, оилаларнинг турмуш шароитини яхшилашга 162,1 млрд. сўмлик кредит йўналтирилгани жойларда иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилаётди. Банк томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликда чорвачиликни ташкил қилишга 31,2 млрд. сўм, мева-сабзавотчилик, паррандочилик, балиқчилик ва асаларчиликни ривожлантириш мақсадларига 17,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратилгани халқимиз дастурхонини сархил нозу неъматлар билан тўлдирибгина қолмай, бозорларда ушбу махсулотлар таннархининг барқарорлигига ҳам хисса қўшди.

Обод турмушга эришишда оилаларнинг қулай шарт-шароитга эгаллиги, уй-рўзгор анжомлари ва техникалари билан етарли таъминлангани муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилда банкнинг 89,8 млрд. сўм миқдоридан истеъмол кредитлари (шундан 74,5 млрд. сўми маиший техника ва уй-рўзгор буюмлари сотиб олишга ҳамда 15,3 млрд. сўми таълим олиш мақсадларига йўналтирилди) аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини энгиллаштирди.

Шинанга уй-жойга эга бўлиш — ҳар кимнинг орзуси. Ушбу орзулар рўёби учун аҳолига 8,0 млрд. сўм, шу жумладан, ёш оилаларга 4,1 млрд. сўм ипотека кредитлари ажратилгани қўллаб оилаларнинг

қувончига қувонч қўшди. Қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишига бошлангич бадални шакллантириш учун 17,5 млрд. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди.

Кредит маблағларининг барча соҳани ривожлантиришга сарфлар этилиши тараққиёт манзараларида акс этмоқда. Жумладан, банк кредитларининг 30 фоизи санаятга, 37 фоизи қишлоқ хўжалик соҳасига, 11 фоизи моддий-техник таъминотга, 4,4 фоизи қурилиш ва транспорт соҳасига, 17,6 фоизи иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида йўналтирилди.

Шунингдек, банк томонидан 8 та халқаро молия институтининг умумий миқдори 96,1 млн. АҚШ доллари, 7,0 млн. евро ва 12,4 млрд. сўм миқдоридан кредит линиялари жалб қилинган. Бу, ўз навбатида, хорижий ҳамкорларнинг банкка нисбатан ишончи тобора мустаҳкамланаётганидан далolat.

Жорий йилда Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорациясидан (ХСРИК) кўшимча жалб қилинган 6 млн. АҚШ доллари миқдоридан маблағ кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди. Шунингдек, халқаро савдонини молиялаштириш ва мижозларнинг импорт операцияларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Азия инвест банк» ва «Промсвязьбанк» (Россия)дан жами 6,0 млн. АҚШ доллари миқдоридан кредит линиялар очилди.

Бу борадаги ишлар давом эттирилиб, жорий йилнинг учинчи чорагида Туркиянинг «Зироатбанк»идан 5 млн. АҚШ доллари миқдоридан янги кредит линиясини жалб этиш бўйича шартнома имзоланди. Айни пайтда Хитой тараққиёт банкидан қишлоқ хўжалик корхоналари ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит линиясини жалб қилиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Пластик карточалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини яна-

да такомиллаштириш учун банк томонидан «онлайн» тартибда ишловчи пластик карточалар тизими кенгайтирилди. 623 мингта онлайн карта муомалага чиқарилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги терминалларга модем қурилмалари ўрнатилди.

Банкнинг барча филиалларида 183 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Улар орқали 10 хил турдаги пул ўтказмалари тақдир қилинмоқда. 2013 йилнинг 11 ойида пул ўтказмалари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 баробарга ошди.

Хизматлар сифатини ошириш ва қулайликлар яратиш мақсадида жорий қилинган «Интернет банкинг» тизимига уланган мижозлар 2000 нафардан ва «СМС-банкнинг» хизматидан фойдаланаётган мижозлар сони эса 6200 нафардан ортди. Жисмоний шахсларга интерактив хизматлар кўрсатишни ривожлантириш мақсадида интернет ҳамда уяли алоқа воситалари орқали масофавий тўловларни амалга ошириш учун «Агробанк клик мобил банкинг» хизмати йўлга қўйилди. Бугунги кунда ушбу хизматдан фойдаланаётган мижозлар сони 3580 нафардан ошди.

Бундай кенг қўламли вазифалар банкнинг ҳудудий филиаллари томонидан ҳам изчил амалга оширилаётди. Жумладан, биргина «Агробанк» ОАТБнинг Наманган вилоят филиали томонидан ўтган давр мобайнида 69 нафар касб-хунар коллежи битирувчиси 384,0 млн. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди. Бу билан белгиланган режанинг 116 фоизга бажариллишига эришилди.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк» ОАТБ томонидан мамлакатимиздаги қулай иқтисодий муҳитни янада барқарорлаштириш, молия-банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, санаят тармоқларини модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, энг асосийси, мижозлар ва ҳамкорлар ишончини оқлаш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ю.ХОЖИЕВА «Mahalla»



Yangi yilingiz bilan!

Hurmatli aksiyadorlar,
bank mijozlari va yurtdoshlar!
Sizlarni kirib kelayotgan Yangi yil bayrami bilan tabriklaymiz.
Sizga va yaqinlaringizga sihat-salomatlik, quvonch, omad, yaxshi kayfiyat va zafarlar tilaymiz.

«Agrobank» ochiq aksiyadorlik tijorat banki
100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko'chasi 43
Tel: 8 (371) 120-88-33, 150-53-95

www.agrobank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan

«ЙИЛ АЁЛИ — 2013»

ТАШАББУСКОР, ИЗЛАНУВЧАН
ВА ФИДОЙИ АЁЛЛАР

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Амалга оширилаётган иш-хотларда фаол иштирок этаётган, Ватан тараққиёти, соғлом ва баркамол авлод тарбияси йўлида масъулиятни ўз зиммасига олувчи ҳар жиҳатдан ибрат бўла оладиган аёлларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш, илгор иш тажрибаларини оммалаштиришда мазкур танловнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Адолат ва ошкоралик тамойили асосида ўтган танлов босқичларида жамият равнақи йўлида самарали меҳнат қилаётган аёлларнинг илгор гоя ва ташаббуслари, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш буйича олиб бораётган ишлари муносиб баҳоланди.

Танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган 14 нафар аёл орасидан голибни аниқлашда уларнинг билим ва дунёқарши, оилага, фарзанд тарбиясига ёндашуви, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, фаол ва фидойилиги каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Қувонарлиси, Қашқадарё вилояти Гузур туманидаги Зарбдор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раъно Жонқувватова маҳалла осойишталигини сақлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги самарали меҳнатлари, Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги Пахтабод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дилбар Муҳаммадова чегара ҳудудида тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ри-

вожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш борасидаги ибратли ишлари сабаб танловнинг республика босқичида муносиб қатнашди.

Якуний натижаларга кўра, Андижон вилояти Асака тиббиёт касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари, педиатр Наргиза Сатторова «Йил аёли — 2013» республика танлови голиби деб топилди.

Голиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Нилуфэр ЮНУСОВА
«Mahalla»

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ОИЛА ТИНЧ, РЎЗБОР БУТ,
ФАРЗАНД САЛОМАТ

ЎЗА сурати.

Халқимиз болажон: ўзи емай боласига едиради, киймай кийдиради. Энг олий нияти — фарзандининг бахту камолини кўриш.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз тақлиди билан 2014 йилга «Соғлом бола йили» деб ном берилгани бунга яна бир қарра исботлади. Барча оналар каби менинг ҳам қалбим қувончга тўлди. Бирор-бир йил йўқки, бевосита аёл ва унинг соғлиги, дилбандларимиз келажагига дахлдор бўлмас. Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Она ва бола йили, Сиҳат-саломатлик йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, Мустаҳкам оила йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари асосида хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида асрларга татигулик ишлар қилинди.

Йигинимизнинг Хотин-қизлар билан ишлаш буйича комиссияси аёлларни иш билан таъ-

минлаш, уларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлашга муносиб кўмаклашиб келмоқда. Хусусан, комиссия аёлларнинг саъй-ҳаракати билан ҳудудимизда иш бошлаган паррандачилик фабрикасига ўнлаб аёллар ишга жойлаштирилди. Уйда ўтирган аёлларни даромадли меҳнатга жалб қилиш мақсадида уларга бепул парранда тарқатди. Ҳозирги кунда аҳолининг ярмидан кўпи паррандачилик билан шуғулланиб, оиласига файз-барака киритмоқда.

Аёлнинг оиласи тинч, рўзгорини бут, фарзандлари соғлом бўлса, кўнгли хотиржам бўлади. Комиссия фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 3-сонли шифохона ҳамда Она ва бола скрининг маркази билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган тиббий текширувларда ка-

салик ва камқонлиги аниқланган аёллар саломатликларини тиклаш учун шифохоналарга ётқизишмоқда. Патронаж ҳамшираларимиз томонидан улар соғлиги назоратга олинган. Хотин-қизлар уртасида тиббий маданиятни тарғиб қилишга катта аҳамият берялмиш. «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси асосида туғуруқ ёшидагилар, қайноналар билан алоҳида суҳбатлар олиб борилмоқда. Уларга туғуруқ оралиқларини сақлаш, она сутининг афзаллиги, йод танқислигининг оддини олиш сингари кўплаб мавзуларда тушунтиришлар берилмоқда.

«Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини кучайтириш буйича ҳудудимиздаги иккита умумтаълим мактаби билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Қиз боланинг одоби», «Балогат ёшидаги ўзгаришлар», «Оила — муқаддас даргоҳ» каби мавзуларда 30 дан ортқ учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларда психологлар, шифокорлар, ҳаётий тажрибага эга маҳалла фаолларининг иштироки таъминлангани фикримиз исботидир.

Маҳаллада, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлиги туфайли йил давомида бирор нохуш воқеа кузатилмади.

Жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол ёшлар мамлакатимиз келажагининг мустаҳкам пойдеворидир. Соғлом бола йилида комиссиямиз фаолиятини янги Намунавий низоом талабларидан келиб чиққан ҳолда янада кучайтиришни режалаштирганмиз.

Сайёра ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Қарши шаҳридаги «Арабхона» маҳалла фуқаролар йиғинининг Хотин-қизлар билан ишлаш буйича комиссияси раиси.

Газетанинг навбатдаги сони 2014 йил 1 январь, чоршанба кuni чоп этилади.



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

«Асака» БАНК (ОАЖ)

СИЗЛАРНИ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ 2014 ЙИЛ БИЛАН

ТАБРИКЛАЙДИ ВА ҚУЙДАГИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ

МУДДАТЛИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

«ЯНГИ ЙИЛ — 2014»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой

бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда

ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини

банкнинг барча филиалларида очиб мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ)

филиалларининг телефонлари:

120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:


— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!

— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

— эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!

«Асака» банк сармоянги сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Хизматлар лицензияланган.



Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,
маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла»
хайрия жамоат фонди
республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами
билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик
жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32,
Иқтисодий ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва
спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013



Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳих: Н.Азимова
Навбатчи: У.Узоқова
Нашр навбатчиси: Т.Низомов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.